

“Шўрсув” сайловга тайёр

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган катта сиёсий тадбир-сайловларга 2 кун қолди.

Тумандаги “Шўрсув” маҳалла фуқаролар йиғинида 106-сайлов участкаси ташкил этилган. Бу ерда ҳам кутилаётган сиёсий жараёнларга қизғин таёргарлик кўрилди.

Хоналар давлат рамзлари, сайлов билан боғлиқ кўргазмали воситалар, қонунлар, адабиётлар ва зарур техникалар билан таъминланган.

Сайлов кунига эса байрам ярмаркалари, хавфсизликни таъминлаш, сайловчилар учун тиббиёт ходимларидан иборат навбатчилик йўлга қўйиш бўйича чоратадбирлар белгиланди.





- Сайловни юқори савияда ўтказишда аҳолига ҳар томонлама шароит яратиш мұхим, - дейди 106-сайлов участкаси комиссияси раиси Абдулазиз Қодиров. - Сайлов участкамиз сайлов кунига белгиланған тартибда шай холатта келтирилді. Сайловчилар учун 3 та овоз бериш кабинаси, 2 та сайлов қутиси мавжуд.

- Олий Мажлис Қонунчилік палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар маҳалламында истиқомат қылувчи сайловчилар билан бевосита мұлоқотлар ташкил этилиб, үз сайловолди дастанулары билан батағсил танишириб ўтишди, - дейди участкаси комиссияси раисининг ўринбосари, МФЙ раиси Зарифахон Аббазова. - Албатта, мұносиб номзодларни сайлаш ва улар билан бирга юрт равнақи йўлида хизмат қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

Участка сайлов комиссияси ҳудудда ўтказилған хатлов натижаларида аниқланған 16 нафар бемор ва кексаларнинг уйларига бориб овоз беришни ташкил этиш чора-тадбирларини кўрган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-20 20:50:55